

**Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банкининг  
Макропруденциал сиёсат асослари**

2023 йил февраль

## Қисқартмалар

БДАК	Биринчи даражали асосий капитал
БНБҚ	Банк назорати бўйича Базел қўмитаси
ДХЙҲ	Дефолт ҳолатида йўқотишлар ҳажми
ДЭ	Дефолт эҳтимоли
ЕТҲК	Европа тизимли хатарлар кенгаши
ЖМТҚ	Жаҳон молия тизими қўмитаси
ХТАМБ	Халқаро тизимли аҳамиятга молик банклар
КБ	Кичик банклар
КГН	Кредит суммасининг гаров суммасига нисбати
ҚДН	Кредитларнинг депозитга нисбати
ҚҚБ	Контрциклик капитал буфер
ҚСДН	Кредит суммасининг даромадга нисбати
ҚТДН	Кредит тўловининг даромадга нисбати
ҚСДН	Қарз суммасининг даромадга нисбати
ҚҲҚДН	Қарзга хизмат кўрсатишининг даромадга нисбати
ЛК	Лизинг компаниялари
ЛҚМК	Ликвидиликни қоплаш меъёри коэффициенти
МБК	Молиявий барқарорлик кенгаши
МБШ	Молиявий барқарорлик шарҳи
МПС	Макропруденцијал сиёсат
МПСА	Макропруденцијал сиёсат асослари
МТАМБ	Маҳаллий тизимли аҳамиятга молик банклар
НБТ	Нобанк кредит ташкилотлари
СК	Суғурта компаниялари
ТҲБ	Тизимли хатарлар буфери
ХВЖ	Халқаро валюта жамғармаси
ЯИМ	Ялпи ички маҳсулот

## **Мундарижа**

Қисқартмалар.....	1
Кириш .....	3
I. Макропруденциал сиёсатнинг моҳияти .....	5
II. Макропруденциал сиёсатнинг асосий ва оралиқ мақсадлари .....	8
III. Макропруденциал сиёсат воситалари.....	10
IV. Макропруденциал сиёсат воситаларининг трансмиссион каналлари.....	17
V. Макропруденциал сиёсатни амалга ошириш .....	23
5.1. Макропруденциал сиёсатни амалга оширишнинг асосий тамойиллари .....	23
5.2. Макропруденциал сиёсатни амалга ошириш босқичлари..	24
5.3. Макропруденциал сиёсатнинг бошқа сиёсатлар билан ўзаро боғлиқлиги.....	28
5.4. Макропруденциал сиёсат коммуникацияси.....	31
Глоссарий.....	33
Илова.....	38

## Кириш

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг (Марказий банк) асосий мақсадларидан бири банк тизимининг барқарорлигини таъминлашдан иборатdir (“Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонун, 5-модда)<sup>1</sup>. Ушбу мақсаддан келиб чиқиб Марказий банк доимий равишда тизимли хатарларни олдини олишга қаратилган макропруденциал сиёsat воситаларидан фойдаланиб келади.

Таъкидлаш жоизки, 2007-2008 йиллардаги жаҳон молиявий инқирози, 2020-2021 йиллардаги пандемия инқирози, 2022 йилдаги геосиёсий ва ташқи иқтисодий шароитларнинг кескин ўзгаришига қарамасдан, Ўзбекистон банк тизими жиддий йўқотишларга учрамаган ҳолда тизимли хатарларга етарлича бардош бера олди. Инқирозлар оқибатида юзага келган шокларга жавобан капитал ва ликвидлилик захираларининг етарлича яратилганлиги банк тизими барқарорлигига замин бўлди.

Айни пайтда, ташқи иқтисодий шароитлардаги кескин ўзгаришларнинг давом этаётганлиги, ички макроиқтисодий вазиятнинг ривожланиши, кредит олишга бўлган мойилликнинг сақланиб қолинаётганлиги келгуси давр учун молиявий барқарорликка салбий таъсир кўрсатувчи ташқи ва ички хатарларни юзага чиқариши мумкин.

Ўзбекистонда молия тизимида муҳим ислоҳотлар, хусусан банклар фаолиятининг трансформацияси, йирик давлат банкларини хусусийлаштириш жараёнлари амалга оширилмоқда. Давом этаётган ушбу ислоҳотлар банк тизимида юқори рақобатни шакллантирган ҳолда банкларнинг таваккалчиликка бўлган мойиллигининг ошишига олиб келиш эҳтимоли юқори.

Бундан ташқари, келажакда иқлим ўзгаришининг молиявий барқарорликка таъсири билан боғлиқ вазият тобора мураккаблашиб бориши кутилмоқда. Бу эса, Марказий банк ўзининг макропруденциал сиёsat ёндашувини аниқ белгилаб олишини тақозо этмоқда.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 11 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги янги таҳрирдаги ЎРҚ-582-сон Қонуни. 5-модда. <https://lex.uz/acts/-4590452>

Шунга кўра, кутилаётган хатарларнинг олдини олиш, уларга жавобан самарали чоралар кўриш мақсадида ҳамда Халқаро валюта жамғармасининг тавсиясига<sup>2</sup> кўра Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Макропруденциал сиёсат асослари белгиланмоқда.

Марказий банкнинг Макропруденциал сиёсат асослари кенг эътироф этилган халқаро стандартларга, хусусан, Банк назорати бўйича Базел қўмитаси (БНБҚ), Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) ва Молиявий барқарорлик кенгаши (МБК) стандартларига мувофиқ ишлаб чиқилди.

Макропруденциал сиёсат асослари Марказий банк томонидан Ўзбекистонда молия тизими барқарорлигини таъминлашга қаратилган макропруденциал сиёсатни амалга оширишнинг умумий концепциясини белгилаб беради.

Макропруденциал сиёсатнинг аҳамияти, унинг мақсадлари, воситалари ҳамда амалга оширилишини белгилаб олиш Макропруденциал сиёсат асосларининг бош мақсади ҳисобланади. Марказий банкнинг Макропруденциал сиёсати асосларини ишлаб чиқишнинг муҳим жиҳатларидан бири, унинг кенг жамоатчилик учун очиқлигини таъминлаш ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, макропруденциал сиёсатнинг Ўзбекистон молия тизимидаги ўрнини тушунишга ҳамда шаффоф коммуникация сиёсатини юритишга хизмат қиласди.

---

<sup>2</sup> IMF, 2013, "Key Aspects of Macroprudential Policy," Article 79.

## I. Макропруденциал сиёсатнинг моҳияти

2007-2008 йиллардаги жаҳон молиявий инқирози молия тизимидағи тизими хатарларни яққол намоён қилди. Тизими хатарларнинг юзага чиқиши иқтисодий фаолиятни қисқартириб, молиявий инқирозни келтириб чиқаради. Узоқ муддатли даврда молиявий нобарқарорликнинг оқибатлари ва йўқотишлари жуда катта, давомий, кенг қамровли бўлиши ҳамда иқтисодий фаолликни сезиларли пасайтирувчи таъсирга эга бўлиши мумкин.

Ўзбекистонда молия тизими активларининг қарийб 97 фоизи<sup>3</sup> банклар ҳисобига тўғри келади, бу эса макропруденциал сиёсатни амалга оширишда банк тизими ўта муҳимлигини англатади.

Макропруденциал сиёсат – бу тизими хатарларни<sup>4</sup> макропруденциал воситалар ёрдамида чеклашга қаратилган чоратадбирлар мажмуидир (IMF 2013).

Тизими хатарлар икки хил кўринишда юзага келиши мумкин:

- йиллар давомида йиғилиб борадиган хатарлар (даврий тизими хатарлар);
- молиявий ташкилотлар ўртасидаги бевосита ёки билвосита муносабатлар билан боғлиқ хатарлар (таркибий тизими хатарлар). (IMF-BIS-FSB 2016).

**Даврий тизими хатарлар** молиявий ташкилотлар ва уларнинг мижозларида аста-секинлик билан тўпланувчан ва проциклик характерига эга. Банклар томонидан кредитларнинг ажратилиши активлар нархининг ошишига сабаб бўлади. Кўп миқдордаги кредитларнинг ажратилиши ҳамда сабаб-оқибат занжир узлуксизлигининг давом этиши активлар нархининг янада тезроқ ошишига олиб келади.

Маълум бир вақтга келиб, нархларнинг пасайиши бошланади ҳамда қайта алоқа халқаси (feedback loop) тескари йўналишда ҳаракатланиб молиявий нобарқарорликка сабаб бўлади.

Ушбу ҳолатда, кредит бўйича ҳаражатлар ошади ва активлар нархи пасаяди, бу эса активларнинг ёппасига сотилиши оқибатида


<sup>3</sup> International Monetary Fund, Republic of Uzbekistan: Technical Assistance Report — Multi-Topic Statistics Diagnostic, December 2021, p. 68.

<https://www.imf.org/-/media/Files/Publications/CR/2021/English/1UZBEA2021002.ashx>

<sup>4</sup> Тизими хатар бу – реал иқтисодиёт учун жиддий салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган, молия тизимининг бутун ёки айrim қисмларининг издан чиқиши натижасида юзага келган молиявий хизматлар кўрсатишнинг узилиш хатариdir.

активлар нархининг янада пасайишига олиб келиши мумкин. Ушбу механизм гаров қийматларининг пасайиши ҳисобига молиявий ташкилотлар ва мижозларнинг дефолтга учрашига ҳамда молия тизимидағи муваффақиятсизликларга сабаб бўлиши мумкин. Бу эса, реал секторга салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин (1-чизма).

#### **1-чизма. Даврий тизимли хатарлар (Иқтисодий ўсиш ва қисқариш даврларида)**



Манба: Марказий банк.

**Таркибий тизимли хатарлар** молиявий ташкилотлар ўртасидаги бевосита ҳамда бир хил ёки ўхшаш активларга доир таваккалчиликлар орқали билвосита алоқаларда юзага келади (2-чизма). Бевосита алоқалар қарз берувчи ва қарз олувчи молиявий ташкилотлар ўртасидаги турли шартномавий муносабатларда намоён бўлади. Нархи ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлган бир хил ёки ўхшаш активларга нисбатан молиявий ташкилотларнинг таваккалчилиги билвосита алоқаларни ифодалайди.


Активлар нархларининг кутилмаганда кескин пасайиши активларга нисбатан сезиларли таваккалчиликка эга бўлган барча ташкилотларда бир вақтнинг ўзида хатарларнинг пайдо бўлишига ва бунинг натижасида, молия тизимида нобарқарорлик ҳолати юзага келишига сабаб бўлади.

Мазкур нобарқарор ҳолат вақт давомида тўпланиб бориладиган яширин ёки эътиборсиз қолдирилган заифликлар (кредит хатарлари бошқариш стандартларининг енгиллашиши, гаровнинг бозор нархига нисбатан юқорироқ баҳоланиши, қарз олувчиларнинг юқори леверажи, муддатлар ўртасидаги ва валюталар ўртасидаги номутаносибликлар) натижасида юзага келади. Жаҳон молиявий инқирози даврида ипотека бозорларига бўлган умумий таваккалчиликлар ушбу ҳолатларга мисол бўлиши мумкин.

Иқтисодий барқарор даврда молиявий ташкилотлар ҳамда мижозларнинг келажакка нисбатан кутилмалари ижобий бўлади, кредит талаблари юмшатилади, таваккалчиликка бўлган мойиллик кучаяди ва натижада тизимли хатарлар пайдо бўла бошлайди. Макропруденциал сиёсатнинг эрта аралашуви натижасида юзага келадиган йўқотишлар молиявий инқироз оқибатидаги йўқотишларга нисбатан анча кам бўлади.

Шу сабабли, Марказий банк молиявий циклнинг бошланғич даврида макропруденциал сиёсат чораларини қўллашга интилади.

## 2-чизма. Таркибий тизимли хатарлар



Изоҳ: Маҳаллий тизимли аҳамиятга молик банклар (МТАМБ), Кичик банклар (КБ), Халқаро тизимли аҳамиятга молик банклар (ХТАМБ), Суғурта компаниялари (СК), Нобанк кредит ташкилотлари (НБТ), Лизинг компаниялари (ЛК).

Манба: ХВЖ, Марказий банк.

Марказий банк молия тизимидағи иқтисодий фаолиятнинг пасайишига олиб келиши мүмкін бўлган жуда муҳим хавфларнигина тизимли хатар деб қарайди. Шунинг учун, молия тизимидағи айрим муаммолар (масалан, таклиф қилинадиган хизматлари бошқа муассасалар томонидан тез алмаштирилиши мүмкін бўлган кичик молиявий ташкилотнинг дефолт ҳолатига келиши) тизимли хатар сифатида қаралмайди.

Шундан келиб чиқиб, **Марказий банкнинг макропруденциал чора-тадбирларининг мақсади молия тизимидағи** ҳар қандай хатарларни бартараф этиш эмас, балки фақатгина **тизимли хатарларни чеклаш ҳисобланади**.

## **II. Макропруденциал сиёсатнинг бош ва оралиқ мақсадлари**

Макропруденциал сиёсатнинг бош мақсади **Ўзбекистонда молия тизимининг барқарорлигини таъминлашга ҳисса қўшишдир**. Молия тизими барқарорлиги иқтисодий ўсишга эришишнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади.

Ўз навбатида, бош мақсадга эришиш учун бир нечта оралиқ мақсадларни аниқлаб олиш зарур (3-чизма). Шунга кўра, Марказий банк томонидан Ўзбекистон молия тизимининг ўзига хос хусусиятлари ва халқаро тажрибани<sup>5</sup> инобатга олган ҳолда, макропруденциал сиёсатнинг бешта оралиқ мақсадлари белгиланган.

---

<sup>5</sup> Ушбу оралиқ мақсадларни белгилашда илғор халқаро амалиёт, айниқса, Европа тизимли хатарлар кенгашининг (ЕТХК) тавсиялари инобатга олинган.

### **3-чизма. Макропруденциал сиёсатнинг оралиқ мақсадлари**



Манба: Марказий банк.

**Левераж ва кредитлар ўсиш суръатини молиявий барқарорликка салбий таъсирини олдини олиш.** Иқтисодиётда кредитларнинг кескин ўсиши активлар нархларининг ошишига олиб келади. Иқтисодиётнинг қисқариш даврида активлар нархининг пасайиши активлар бозорида “пуфакчалар” пайдо бўлишига сабаб бўлади. Бу эса, молиявий инқирозларга олиб келувчи асосий сабаблардан бири ҳисобланади. Юқори левераж эса, бу инқирозларнинг хавфини янада кучайтириш хусусиятига эга. Шу жиҳатдан, Марказий банк даврий тизимли хатарларнинг олдини олиш ва шокларга банк тизимининг бардошлилигини ошириш мақсадида капитал буферлари ва бошқа воситалардан фойдаланади.

**Долларлашувнинг тизимли хатарларини чеклаш.** Долларлашув даражасининг юқорилиги нафақат банклар, балки истеъмолчиларда ҳам тизимли хатарлар вужудга келишига сабаб бўлиши мумкин.

**Муддатлар ўртасидаги номутаносибликларни ҳамда бозор ноликвидлилигини камайтириш.** Қисқа муддатли ва барқарор бўлмаган молиялаштириш манбаларига боғланиб қолиш шошилинч

активлар сотувига ҳамда бозор ноликвидлилигига олиб келиши мумкин. Макропруденциал чоралар активлар ва мажбуриятлар ўртасидаги даврий номутаносибликларни камайтиришга ва молиявий бозор иштирокчиларининг ликвидлилигини қучайтиришга хизмат қиласди.

**Таваккалчиликларнинг концентрациялашувини тартибга солиш.** Бевосита концентрация хатари банкларнинг номолиявий секторга бўлган йирик таваккалчилиги натижасида келиб чиқиши мумкин. Молиявий ташкилотларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда иқтисодий тармоқларга нисбатан умумий таваккалчиликлар молия тизимида занжирли оқибатларни ҳамда билвосита концентрация хатарини келтириб чиқаради.

Марказий банк бир қарз оловчи ёки ўзаро алоқадор қарз оловчилар грухига таваккалчиликнинг энг кўп миқдорини белгилаш орқали ушбу хатарларни камайтиради ҳамда концентрациялашув даражасини чеклайди.


**Тизимли аҳамиятга молик банклар томонидан ҳаддан зиёд кўп хатарлар жамланишининг олдини олиш.** Давлат улушкига эга бўлган йирик банклар ҳукумат томонидан ҳимоя қилинишига ишонган ҳолда, ҳаддан зиёд хатарларга мойиллиги пайдо бўлади. Ўзбекистонда йирик банкларда давлат улушкининг юқорилиги улар фаолиятидаги юзага келиши мумкин бўлган муаммолар бутун молия тизимига таъсир кўрсатади. Шунга кўра, Марказий банк тизимли аҳамиятга молик банклар учун алоҳида капитал буферларни қўллаши мумкин.

### **III. Макропруденциал сиёсат воситалари**

Макропруденциал сиёсат воситалари аниқланган тизимли хатарларни олдини олишда қўлланилади. Марказий банк ҳар бир оралиқ мақсадга эришиш учун бир қатор макропруденциал воситалардан фойдаланади (1-илова).

Бунда, макропруденциал сиёсат воситалари учта турга бўлинади: капитал, ликвидлилик ҳамда қарздорларга йўналтирилган воситалар.

#### **4-чизма. Макропруденциал сиёсат воситаларининг турлари**



#### **A. Капитал воситалари**

##### **Контрциклик капитал буфери (CCyB)**

Контрциклик капитал буфери биринчи даражали асосий капиталга асосланган восита бўлиб, таваккалчиликка тортилган активларнинг 0-2,5 фоизи оралиғида бўлиши мумкин<sup>6</sup>. Ушбу восита банк тизимида кредитларнинг кескин ўсиши даврида тўпланадиган тизимли хатарларга бардошлилигини ошириш мақсадида фойдаланилади (даврий тизимли хатарлар).

Контрциклик капитал буфери иқтисодиётни кредитлар билан таъминлаш даражасини бир маромда сақлаб қолиш ҳамда молиявий циклнинг пасайиш давридаги йўқотишларни юмшатишга ҳисса қўшади. Шу орқали, контрциклик капитал буфери банк тизимининг асосий функциясини бажаришга кўмаклашади.

Бундан ташқари, контрциклик капитал буфери кредит нархини ошириш орқали кредит талабига<sup>7</sup> таъсир қўрсатиб, молиявий циклнинг мўътадиллашишига кўмаклашади (нарх канали).

Марказий банк молиявий циклнинг кўтарилиши даврида контрциклик капитал буфер даражасини оширишга, иқтисодий

<sup>6</sup> Бугунги кунда бир қатор мамлакатлар хатарларнинг мўътадил ҳолатида, яъни хатарлар рўёбга чиқмаган ҳолатда ижобий контрциклик капитал буферини жорий этиш йўлини танламоқда. Ушбу ёндашувнинг асосий мақсади жиддий шоклар молия тизимига хавф түғдиришдан аввал буфернинг иқтисодий ўсиш даврларида яратиб олиш ҳисобланади. [https://www.bis.org/publ/bcbs\\_n130.htm](https://www.bis.org/publ/bcbs_n130.htm)

<sup>7</sup> Капитал воситаларнинг трансмиссион каналлари қисмига қаранг.

қисқариш даврида эса реал иқтисодиётни янги кредитлар билан таъминлаш учун пасайтиришга эътибор қаратади<sup>8</sup>.

### **Маҳаллий тизимли аҳамиятга молик банклар учун капитал буфери (D-SIBs)**

Маҳаллий тизимли аҳамиятга молик банклар учун капитал буфери ушбу банклар дефолт бўлишининг бутун банк тизими ва реал иқтисодиётга салбий ташқи таъсирларини чеклаш мақсадида ишлатилади.

Маҳаллий тизимли аҳамиятга молик банкларнинг дефолт ҳолатига тушиб қолишининг салбий таъсирлари кредит ташкилотлари ўртасидаги бевосита ёки билвосита алоқалар орқали банк тизимиға тарқалади. Ушбу салбий таъсирларни чеклаш мақсадида давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ҳисобига ушбу банклар ўзларига янада кўпроқ таваккалчиликни оладилар ва натижада, таваккалчилиниң салбий таъсирлари кучайиб боради ("Too Big to Fail" муаммоси).

Шунинг учун, ушбу буфернинг асосий мақсади маҳаллий тизимли аҳамиятга молик банкларнинг йўқотишларини қоплаш ҳисобланади.

Маҳаллий тизимли аҳамиятга молик банклар учун капитал буфери кредит нархини ошириш орқали молиявий циклининг мўътадиллашишига таъсир қилса-да, лекин бу унинг асосий мақсади ҳисобланмайди (нарх канали)<sup>9</sup>. Ушбу буфер даражаси ҳар бир тизимли аҳамиятга молик банк учун унинг тизимли аҳамиятлилик даражасидан келиб чиқиб белгиланади.

### **Тизимли хатар буфери**

Тизимли хатар буфери – бу таркибий тизимли хатарларни юмшатиш ва олдини олиш учун мўлжалланган макропруденциал сиёsatнинг капитал воситаси ҳисобланади.

Тизимли хатар буфери бошқа макропруденциал воситалар орқали қамраб олинмаган тизимли хатарлар мавжуд бўлганда, уларни бартараф этиш мақсадида барча банклар ёки маълум бир банклар грухига қўшимча капитал талабини жорий қилиш орқали қўлланилади.

---

<sup>8</sup> Молиявий циклинг кўтарилиш ва қисқариш босқичлари даврий тизимли хатарларнинг бир қатор миқдорий кўрсаткичлари (масалан, кредитнинг ЯИМга нисбати тафовути, кредитларнинг ўсиши, қарзга хизмат кўрсатишнинг даромадга нисбати ва активлар нархининг узоқ муддатли трендидан четлашиши) ёрдамида аниқланади. Контрциклик капитал буфери даражасини ошириш ва камайтириш тўғрисида қарор қабул қилиш учун турли кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин.

<sup>9</sup> Капитал воситаларнинг трансмиссион каналлари қисмига қаранг.

Тизимли хатар буфери бошқа макропруденциал капитал воситалари каби иккита трансмиссион канал - бардошлилик ва нарх каналлари орқали тизимли хатарларни пасайтиради. Бунда трансмиссион канал орқали таркибий тизимли хатарларнинг юзага чиқиши натижасидаги йўқотишларнинг қопланиши ҳисобига молия тизимининг бардошлилигини ошириши мумкин. Тизимли хатар буфери кредит нархини ошириш орқали молиявий циклга ҳам таъсир қилиши мумкин (нарх канали).

Шунингдек, тизимли хатар буфери маълум бир сектордан (масалан, кўчмас мулк сектори, иқлим ўзгариши бевосита таъсир қиладиган секторлар ва бошқалар) келиб чиқиши мумкин бўлган таркибий тизимли хатарларни чеклаш учун ҳам ишлатилиши мумкин. Марказий банк тизимли хатар буферидан фойдаланишда ушбу воситанинг қўлланиши мумкин бўлган қамровини ҳамда қайд этилган иккала каналнинг трансмиссиясини ҳам инобатга олади.

### **Левераж коэффициенти**

Левераж коэффициенти – бу банк жами активларининг капитал билан таъминланганлик даражасини акс эттирадиган кўрсаткич бўлиб, биринчи даражали капиталнинг умумий активлар ва балансдан ташқари активлар йигиндисига нисбати сифатида аниқланади.

Левераж коэффициенти даврий равишда камайиши мумкин бўлган таваккалчиликка тортилган активларни ҳисобга олмаслиги билан капитал монандлилик талабларидан фарқ қиласди. Шунинг учун, левераж коэффициенти активларнинг капиталга нисбатан номутаносиб равишда ошиб кетишига қарши оддий ва самарали восита ҳисобланади.

Левераж коэффициенти юзага келиши мумкин бўлган йўқотишларни юмшатиш учун капитал захираларини сақлаб қолиш орқали бардошлиликни оширади. Юқори даражадаги капитал талаблари нарх канали орқали кредит нархига таъсир қўрсатади.

Левераж коэффициенти таркибий тизимли хатарларга йўналтирилган восита сифатида ҳам ишлатилиши мумкин (масалан, маҳаллий тизимли аҳамиятга молик банклар учун). Бунда ушбу восита банклар бўйича алоҳида табақалаштирилган коэффициентларни қўллаш орқали фойдаланилади.

## **Б. Ликвидлилик воситалари**

### **Ликвидлиликни қоплаш меъёри коэффициенти (LCR)**

Ликвидлиликни қоплаш меъёри коэффициенти банкларнинг қисқа муддатли ликвидлилик шокларига бардошлилигини оширишувчи восита ҳисобланади<sup>10</sup>. Ликвидлиликни қоплаш меъёри коэффициенти юқори ликвидли активларнинг кейинги 30 кун ичидаги жами соф чиқимга нисбати сифатида аниқланади.

Ликвидлиликни қоплашнинг меъёрий коэффициентининг асосий моҳияти шундаки, банк хатарли сценарий остида кейинги 30 кун ичидаги қисқа муддатли ликвидлилик эҳтиёжларини тўлаш учун етарли даражада юқори сифатли ликвид активларга эга бўлиши лозим.

Бунда 30 кунлик муддат банклар учун ликвидлилик манбаларини қайта кўриб чиқиш, бошқа манбаларни топиш ҳамда шу йўл билан қисқа муддатли ноликвидлилик туфайли юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатлардан қочиш учун мўлжалланган.

Бир ёки бир нечта кредит ташкилотларининг ноликвидлилиги банк тизимида тарқалиши оқибатида таркибий тизимли хатарларнинг пайдо бўлиши мумкин. Шунга кўра, ликвидлиликни қоплаш меъёри коэффициентининг асосий трансмиссион канали банкларнинг бардошлилигини ошириш ҳисобланади.

### **Соф барқарор молиялаштиришнинг меъёрий коэффициенти (NSFR)**

Соф барқарор молиялаштиришнинг меъёрий коэффициенти банкларнинг молиялаштириш тузилмаси бардошлилигини ошириш ва барқарор молиялаштиришни таъминлашга хизмат қиласди. Соф барқарор молиялаштиришнинг меъёрий коэффициенти барқарор молиялаштиришнинг мавжуд суммасини барқарор молиялаштиришнинг зарур суммасига нисбати сифатида аниқланади. Банк тизимининг асосий функцияларидан бири узок муддатли активлар ва қисқа муддатли мажбуриятлар (депозитлар ва бошқа молиялаштириш манбалари) ўртасидаги муддатларни ўзаро мослаштириш ҳисобланади.

Бироқ, муддатлар ўртасидаги номутаносиблигни тўғри бошқарилишда хавфнинг мавжудлиги сабабли узок муддатли

---

<sup>10</sup> IMF, Staff Guidance Note on Macroprudential Policy – Detailed Guidance on Instruments, 2014.  
<https://www.imf.org/external/np/pp/eng/2014/110614a.pdf>

активларни молиялаштириш учун қисқа муддатли мажбуриятларга ҳаддан ортиқ таяннаслык лозим. Ушбу ҳолатда, банк маблағларининг кескин пасайиши муайян банк учун хавф туғдириши мумкин. Агар бундай ҳолат кенг миқёсли бўлса, банк тизими учун жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Шу сабабли, соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффициентини ишлаб чиқишининг асосий мақсади банкнинг узоқ муддатли активларни молиялаштиришга бўлган эҳтиёжларини қоплаш учун бир йил давомида барқарор молиялаштиришнинг тегишли манбаларига эга бўлишини таъминлаш ҳисобланади.

### **Кредитларнинг депозитга нисбати (LTD)**

Кредитларнинг депозитга нисбати кўрсаткичининг асосий мақсади жами кредитлар даражасини жами депозитлар даражасига нисбатан чеклаш орқали банк тизимининг бардошлилигини сақлаб қолишдир. Шунинг учун, кредитларнинг депозитга нисбати лимити банкларга барқарор молиялаштириш манбаи сифатида депозитларнинг маълум бир улушига таяниш талабини юклайди. Бу ликвидлилик хатарига қарши оддий восита бўлиб, кредитлар ёки депозитларнинг муддатлари такрибини ҳисобга олмайди.

## **В. Қарздорларга йўналтирилган воситалар**

### **Кредит суммасини гаров суммасига нисбати чеклови (LTV)**

Кредит суммасини гаров суммасига нисбати чеклови қарз олувчилар олиши мумкин бўлган максимал кредит суммасини гаров сифатида хизмат қилувчи кўчмас мулк қийматига нисбатан чеклаш орқали қарз олувчиларнинг хатарларга бардошлилигини оширишга хизмат қиласди. Кредит суммасини гаров суммасига нисбати чеклови қарз олувчи олиши мумкин бўлган кредит миқдорини бевосита камайтиради.

Хусусан, кредит суммасини гаров суммасига нисбати чеклови уйжойга бўлган талабни пасайтиради, кредитлар ва уй-жой нархларининг ўсишини чеклайди ва шу тарзда кредит циклини юмшатади. Бундан ташқари, кредит суммасини гаров суммасига нисбати чеклови қарз олувчининг кўчмас мулқда кўпроқ ўзининг капиталига эга бўлишини таъминлаш орқали қарз олувчининг бардошлилигини оширади ва шу орқали дефолт эҳтимоли (PD) ва дефолт ҳолатида йўқотишлар ҳажмини (LGD) камайтиради.

## **Кредит тўловининг ёки қарзга хизмат кўрсатишнинг даромадга нисбати чеклови (PTI/DSTI)**

Кредит тўловининг ёки қарзга хизмат кўрсатишнинг даромадга нисбати чеклови қарз олувчиларнинг даромадига нисбатан қарзга хизмат кўрсатиш тўловларини чеклаш орқали қарз олувчиларнинг бардошлигини оширишга қаратилган. Ушбу чекловлар қарз олувчининг даромадига нисбатан олиши мумкин бўлган кредит суммасини камайтиради.

Натижада, ушбу чеклов кредит суммасини гаров суммасига нисбати чеклови каби кредитга бўлган талабни пасайтиради, кредитлар ўсишини чеклайди ҳамда шу орқали кредит циклини юмшатади.

Кредит тўловининг ёки қарзга хизмат кўрсатишнинг даромадга нисбати чекловининг кредит суммасини гаров суммасига нисбати чекловидан афзаллиги уй-жой нархининг олиши ҳолатида намоён бўлади. Бундай ҳолатда, кредит суммасини гаров суммасига нисбати чекловини қатъийлаштиришга тўғри келади. Кўчмас мулк нархларининг ўсиши аҳоли ихтиёридаги даромаднинг ўсишига номутаносиб бўлган ҳолатда кредит тўловининг ёки қарзга хизмат кўрсатишнинг даромадга нисбати чекловининг эса ўз-ўзидан самаралилиги сақланиб қолинади (automatic stabilizer, IMF, 2014).

## **Кредит ёки қарз суммасини даромадга нисбати чеклови (LTI/DTI)**

Кредит ёки қарз суммасини даромадга нисбати чеклови уй хўжаликлари олиши мумкин бўлган қарз суммасини даромадга нисбатан қатъий белгиланган баравар миқдори билан чеклайди. Бунда, кредит суммасини даромадга нисбати чеклови маълум бир кредитни қамраб оладиган бўлса, қарз суммасини даромадга нисбати чеклови жисмоний шахсларнинг қарз мажбуриятларининг кенгроқ доирасини ҳисобга олади.

Кредит ёки қарз суммасини даромадга нисбати чекловининг трансмиссион механизmlари кредит тўловининг ёки қарзга хизмат кўрсатиш миқдорининг даромадга нисбати чекловларининг трансмиссион механизmlарига жуда ўхшашиб. Бундай чекловлар қарз олувчиларнинг даромад шокларига бардошлигини оширишга ва шу билан қарз берувчиларнинг барқарорлигини билвосита кучайтиришга қаратилган.

## **IV. Макропруденциал сиёсат воситаларининг трансмиссион каналлари**

Тегишли макропруденциал сиёсат воситаларини танлаш ва мослаштиришда (calibration) уларнинг ҳар бир гурухи бўйича трансмиссион каналларини тушуниш муҳим аҳамият касб этади.

### **A. Капитал воситаларнинг трансмиссион каналлари**

Марказий банк тизимли хатарнинг юзага чиқиши даврида макропруденциал капитал воситаларини қўллаш орқали капитал захираларини кўпайтиришга ҳаракат қилади. Бунда, макропруденциал капитал воситалари банк тизимининг бардошлилигини оширади ва натижада, бевосита молиявий барқарорликни таъминлашга ҳисса кўшади. Ушбу капитал захираларидан икки мақсадда:

- биринчидан, юзага келган йўқотишларни қоплаш;
- иккинчидан, молиялаштириш етарли бўлмаган ҳолатда янги кредитлар ажратишга имконият яратиш ва шу орқали реал иқтисодиёт ҳамда барқарор иқтисодий ўсишни қўллаб-куватлаш учун фойдаланиш мумкин.

Бу, Марказий банк макропруденциал капитал воситаларининг энг муҳим трансмиссион канали ҳисобланади. Бундан ташқари, макропруденциал капитал воситалари молиявий даврийликни юмшатишга таъсир кўрсатиш орқали молиявий барқарорликни таъминлашда ҳам қўлланилиши мумкин. Шунингдек, ушбу воситалар кутилмалар канали орқали банкларнинг хатарларни бошқариш услугига таъсир кўрсатиши мумкин.

Макропруденциал капитал воситаларининг кредит циклини юмшатишга таъсири ушбу воситаларнинг яна бир трансмиссион канали ҳисобланади. Банкларнинг капитал даражаси минимал талабдан юқори бўлмаган ҳолатда, капитал буферлари тўрт хил усулда яратилиши мумкин (CGFS, 2012):

- акциялар чиқариш орқали янги капитал жалб қилиш;
- фойдани тақсимлашни камайтириш (масалан, дивидендлар ва бонуслар);
- кредитлаш спредларини ошириш (янги кредитлар учун фоиз ставкалар);

- таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активлар ҳажмини камайтириш (капиталнинг монандлик коэффициентини ҳисоблаш формуласидаги маҳраж).

Дастлабки учта усул кредитлаш спредларини (янги кредит харажати) оширади ҳамда шу орқали кредит талабининг пасайишига олиб келади (нарх канали). Охирги усул, яъни таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активлар ҳажмининг камайиши кредит таклифини пасайтиради. Сабаби, банклар янги кредит ажратмаслиги ёки таваккалчилиги пастроқ бўлган кредитларни молиялаштириш орқали кредит портфелларини қайта мувозанатлаштиришга ҳаракат қилишлари мумкин (миқдор канали) (5-чизма).

Капитал буфер талаблари енгиллаштирилганда банклар бўшаган капиталдан фойдаланади ва юқорида қайд этилган механизмларнинг акси юз бериши мумкин. Ушбу ҳолат кредитлар таклифининг ошишига ва кредит нархининг пасайишига таъсир қиласи. Бу эса, ўз навбатида кредитлаш фаолиятининг ўсишига олиб келиши мумкин (6-чизма).

Кутилмалар канали орқали капитал воситаларини фаоллаштирмасдан ҳам макропруденциал сиёsat мақсадларига эришиш мумкинлиги ушбу каналнинг Марказий банк учун муҳим эканлигидан далолат беради. Марказий банк ўзининг ишончлилик ва коммуникациясига кўра банклар ва бозорга режалаштирилган капитал чоралари ҳақида сигнал беради ҳамда шу орқали банкларга хатарларни бошқариш услубини ўзгартириш учун имконият яратиб беради.

## 5-чизма. Иқтисодий ўсиш даврида (boom phase) капитал ва ликвидлилик воситаларининг трансмиссион каналлари



Манба: Марказий банк.

### Б. Ликвидлилик воситаларининг трансмиссион каналлари

Марказий банкнинг макропруденциал ликвидлилик ҳамда капитал воситаларининг трансмиссион каналлари деярли ўхшаш (5 ва 6-чизмалар). Макропруденциал ликвидлилик воситасининг биринчи тўғридан-тўғри трансмиссион канали молиявий тизим бардошлилигини ошириш орқали молиявий барқарорликни таъминлашга кўмаклашишдир. Марказий банкнинг ликвидлилик воситалари банклардан қўпроқ ликвид активларга эга бўлишини, ликвид бўлмаган активларини камайтиришни ва кредит муддатларини қисқартиришни талаб этади (IMF, 2014).

Бу эса, ликвидлилик стресс ҳолатида банкларнинг ликвидлиликка бўлган эҳтиёжларини қоплаш учун активларнинг шошилинч сотуви хавфини камайтириш имконини беради.

Бундан ташқари, Марказий банкнинг ликвидлилик воситалари активларнинг шошилинч сотуви ва ўта салбий таъсирларнинг реал

иқтисодиётга ўтиш хавфини юмшатиш орқали таркибий тизимли хатарларни чеклайди.

Макропруденциал ликвидлилик воситаларининг иккинчи трансмиссион канали кредит циклини юмшатишидир. Банклар ликвидлилик воситаларининг қатъийлашишига жавобан 1) депозит жалб қилишни (барқарор молиялаштириш) ошириши ёки 2) янги кредитлар ажратишни қисқартириши мумкин.

Депозитларни жалб қилиш секин ўсиш характеристига эга бўлиб, иқтисодий ўсиш даврида катта харажатларсиз бундай маблағларни кўпайтириш осон бўлмайди. Шунинг учун, йирик депозит базасига эга бўлмаган банклар кредит ўсишини секинлаштириш учун янги кредитлар ажратишни қисқартишиларига тўғри келади.


Бундан ташқари, одатда ликвид активларнинг фоиз ставкалари ноликвид активларга нисбатан пастроқ даражада шаклланиши сабабли ликвид активларни кўпайтиришга қаратилган ликвидлилик меъёрлари (масалан, ликвидлиликни қоплаш меъёри коэффициенти) банкларни янги кредитлар ажратишда фоизларни оширишга ундайди.

Бу эса, кредит олишга бўлган талабга таъсир қўрсатиб, янги кредитлар ажратишни пасайтиради. Молиявий стресс даврида ушбу воситалар банклараро ликвидлиликни рағбатлантириш ва кредитлар таклифини таъминлашни чеклаш учун қўлланмаслиги лозим.

Акс ҳолда, ликвидлилик воситаларининг қатъийлаштирилиши банкларааро бозорнинг музлашига, активларнинг шошилинч сотувига ва қарз юкининг камайишига олиб келиши мумкин (IMF, 2014).

Шунингдек, стресс даврида ликвидлилик воситаларининг қўлланилиши молиялаштириш харажатларини камайтиради ва бу ўз ўрнида, самарали кредитлашга олиб келади. Кутилмалар канали Марказий банкнинг макропруденциал ликвидлилик воситалари учун ҳам муҳим ҳисобланиб, ушбу канал макропруденциал капитал воситалари мисолида бўлгани каби намоён бўлади.

## 6-чизма. Иқтисодий қисқариш даврида капитал ва ликвидлилик воситаларининг трансмиссион каналлари



Манба: Марказий банк.

## В. Қарздорларга йўналтирилган воситаларнинг трансмиссион каналлари

Қарздорларга йўналтирилган воситалар қарз оловчиларнинг гаров қиймати (LTV) ёки даромадларига (DSTI ва PTI мисолида) кўра олишлари мумкин бўлган кредит қийматини чеклаш орқали бевосита таъсир кўрсатади. Қарздорларга йўналтирилган воситалар қарз оловчиларнинг буферларини кўпайтириш ва дефолт эҳтимолини (PD) камайтириш орқали қарз оловчиларнинг бардошлилигини оширади.


Кредит суммасини гаров суммасига нисбати (LTV) кўрсаткичи қарз оловчининг кўчмас мулки ёки бошқа турдаги гарови (капитали) каттароқ қийматга, тўловнинг даромадга нисбати (DSTI ёки PTI) чекловлари эса қарз оловчи мажбуриятларни қоплаш учун кўпроқ ўз ихтиёридаги даромадга эга бўлишини таъминлашга қаратилган.

LTV чеклови мавжуд бўлганда, гаров қийматида ўз маблағининг улуши каттароқ бўлганлиги туфайли дефолт ҳолатида йўқотишлар ҳажми пастроқ бўлади. Банклар қарз оловчилар бўйича кредит хатарларига дуч келганда, қарздорларга йўналтирилган воситалар бир

вақтнинг ўзида банкларнинг ушбу хатарларга нисбатан бардошлигини оширади.

Қарздорларга йўналтирилган воситалар қарз оловчи тўлаши мумкин бўлган кредит қийматига бевосита таъсир қилиш орқали кредит талабини камайтиради. Бу эса, кредит таклифининг камайишига олиб келади ва бунинг оқибатида активлар нархларининг пасайишига сабаб бўлиши мумкин. Натижада, кредит ва активлар нархларининг процикллик қайта алоқа механизми мўтадиллашади (IMF, 2014).

#### 7-чизма. Қарздорларга йўналтирилган воситаларнинг трансмиссион каналлари



Манба: Марказий банк

Кутималар канали қарздорларга йўналтирилган воситаларда бошқа воситаларга нисбатан янада муҳимроқ ҳисобланади. Чунки, қарздорларга йўналтирилган воситаларни жорий этиш тўғрисидаги мұлумотлар кредит фаолиятининг тезлашишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли, Марказий банк қарздорларга йўналтирилган воситаларни жорий этиш бўйича коммуникацияга эҳтиёткорлик билан ёндашади.

## **V. Макропруденциал сиёсатни амалга ошириш**

### **5.1. Макропруденциал сиёсатни амалга оширишнинг асосий тамойиллари**

Марказий банк макропруденциал сиёсатни амалга оширишда қуйидаги асосий тамойилларга таянади:

**Мустақиллик.** Макропруденциал сиёсат Марказий банкнинг бошқа функцияларидан, хусусан, пул-кредит сиёсати ва пруденциал назорат, шунингдек, бошқа давлат ташкилотларининг аралашувидан мустақил равишда амалга оширилади. Бироқ, мустақиллик тамойили мувофиқлик тамойилига тўсқинлик қилмаслиги лозим. Бунда Марказий банкнинг банк тизими барқарорлигини таъминлаш бўйича фаолияти нархларнинг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатмаслиги керак<sup>11</sup>.

**Шаффоффлик.** Марказий банк макропруденциал сиёсатни амалга оширишда молия тизимининг барча иштирокчилари ва жамоатчилик учун амалга оширилаётган чора-тадбирларни тушунарли ва очиқ бўлишини таъминлайди. Макропруденциал воситаларининг кутилмалар трансмиссион каналидан фойдаланиш мақсадида Марказий банк мақсадли аудиторияни тегишли сиёсат бўйича қабул қилинган қарорлар ва меъёрий ўзгаришлар тўғрисида мунтазам равишда хабардор қилиб боради (молиявий барқарорликка хавф туғдирадиган ҳолатлар бундан мустасно) ҳамда бу бўйича тушунтиришлар бериб боради.

**Ҳаракатсизликдан (муносабат билдирипаслик) қочиш.** Макропруденциал чораларни эртароқ қўллашдаги эҳтимолий йўқотишилар бир дона юз берган молиявий инқироздаги йўқотишишларга нисбатан анча кичик ҳисобланади. Шунга кўра, Марказий банк тизимли хатарлар аниқланганидан сўнг ўз вақтида макропруденциал чораларни кўриб боради.

**Қатъий қоидага асосланмаган (мослашувчан) бошқарув.** Марказий банк сиёсатининг қарорлари, биринчи навбатда, қоидаларга асосланади. Бироқ, хатар кўрсаткичларининг огоҳлантирувчи ишоралари мукаммал бўлмаслиги ҳамда турли кўрсаткичлар бир қатор трансмиссион каналлар орқали турли хulosаларга олиб келиши мумкинлиги сабабли, Марказий банк ушбу қарорларни қабул қилишда

---

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисидаги Қонун, 5-модда.

аниқ маълум бир механизмга таянмайди. Бундай ҳолларда, қатъий қоидаларга асосланган таҳлиллар (кўрсаткичлар олдиндан ўрнатилган чегараларга етганда) Марказий банкнинг эксперт хулосаси асосида қайта кўриб чиқилиши мумкин.

**Мувофиқлик.** Макропруденциал сиёсатнинг самарадорлиги Марказий банкнинг ёки тегишли давлат органларининг бошқа сиёсатлари билан ўзаро алоқадорлигига боғлиқ. Шу сабабли, Марказий банк макропруденциал сиёсатнинг бошқа сиёсатлар билан ўзаро мувофиқлигини таъминлайди.

**Мутаносиблиқ.** Макропруденциал воситаларини қўллашда молия институтларига муайян талабларни ҳисобга олиб, Марказий банк ушбу талабларни ҳар бир молия институтининг умумий тизимли хатардаги ҳиссасига мутаносиб равишда амалга ошириши мумкин.

**Тартибга солиш арбитраждан қочиш.** Молиявий тизим иштирокчилари қоидаларни четлаб ўтиш мақсадида нисбатан камроқ тартибга солинадиган бозор сегментларига ўтиш орқали нисбий устунликка эга бўлмасликлари лозим. Ушбу арбитраждан қочиш қонунчиликдаги бўшлиқларни тўлдириш ва молия бозорининг барча иштирокчиларига талабларни бир маромда қўллаш орқали амалга оширилади.

## 5.2. Макропруденциал сиёсатни амалга ошириш босқичлари

Марказий банкнинг макропруденциал сиёсатини амалга ошириш узлуксиз давом этадиган тўрт босқични ўз ичига олади (8-чизма).

1. Тизимли хатарларни аниқлаш ва баҳолаш;
2. Воситаларни танлаш ва уларни мослаштириш;
3. Қарор қабул қилиш ва воситаларни қўллаш;
4. Сиёсат таъсирини баҳолаш.

## 8-чизма. Макропруденциал сиёсатни амалга ошириш босқичлари



Манба: Марказий банк.

### Тизимли хатарларни аниқлаш ва баҳолаш

Мавжуд ва юзага келиши мумкин бўлган потенциал тизимли хатарларни аниқлаш ҳамда уларни баҳолаш Марказий банкнинг макропруденциал сиёсатни амалга оширишдаги дастлабки қадам ҳисобланади. Тизимли хатарлар бир қатор миқдорий кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда аниқланади. Ушбу кўрсаткичлар асосий ва қўшимча тўпламларга бўлинади. Асосий кўрсаткичлар хатарларни баҳолаш жараёнида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Мазкур кўрсаткичлар Марказий банкнинг макропруденциал воситаларини қўллаш бўйича дастлабки мулоҳазалар учун асос бўла олади (ХВЖ, 2014)<sup>12</sup>.

Асосий кўрсаткичлар берган огоҳлантирувчи ишоралар доим ҳам мукаммал бўлмаслиги мумкин. Шу сабабли, Марказий банк тизимли хатарлар бўйича кенроқ маълумотга эга бўлиш учун қўшимча кўрсаткичлар тўпламидан фойдаланади. Ҳар хил кўрсаткичлар баъзида турли хulosаларга олиб келиши мумкинлиги сабабли баъзан тизимли хатарларни аниқлаш таҳлили юқори аниқликда бўлмайди. Шунга кўра, аниқ хulosалар чиқариш мақсадида қоидаларга асосланган таҳлил (кўрсаткичлар белгиланган чегараларга етганда) Марказий банкнинг эксперталар мулоҳазалари билан мустаҳкамланади. Мазкур босқичда

<sup>12</sup> Мисол учун, асосий кўрсатчилардан бири бўлган кредитнинг ЯИМга нисбати тафовути кўрсаткичи даврий тизимли хатар учун қўлланилади.

қайд этилган экспертлар муроҳазаларининг ўрни муҳимлигини инобатга олган ҳолда, Марказий банк бозор маълумотлари, маҳсус сўровномалар, пруденциал назорат ва бошқа манфаатдор томонларнинг манбаларидан ҳам фойдаланади.

Бундан ташқари, Марказий банк банк тизимининг тизимли хатарларга бардошлилигини баҳолаш учун макро стресс-тест воситасидан фойдаланади. Молия тизимининг амалдаги пруденциал талабларга кўра инқироз ёки бошқа тизимли хавф юзага келганда иқтисодиётнинг реал секторини кредит билан таъминлашда давом этиши ҳамда ушбу ҳодиса оқибатларини кучайтирмаслиги банк тизимининг тизимли хатарларга бардошлилигини англатади.

Тизимли хатарларни аниқлаш ва таҳлил қилиш макропруденциал сиёsatни амалга оширишнинг энг муҳим босқичларидан бири эканлигини ҳисобга олган ҳолда, Марказий банк тизимли хатарларни баҳолаш натижаларини йилига икки марта чоп этиладиган Молиявий барқарорлик шарҳида мунтазам тарзда тақдим этиб боради.

### **Воситаларни танлаш ва мослаштириш**

Аниқланган тизимли хатарларнинг таъсирини юмшатиш ва бартараф этиш учун Марказий банкнинг макропруденциал сиёsat воситаларини қўллаш зарурати пайдо бўлади. Воситаларни танлаш ва мослаштириш босқичида Марказий банк, биринчи навбатда, қўлланилиши мумкин бўлган воситалар рўйхатини шакллантиради. Ушбу воситалар аниқланган тизимли хатарлар (даврий ёки таркибий) ҳамда уларга мос оралиқ мақсадларидан келиб чиқсан ҳолда ишлатилиши мумкин.

Сўнгра, қўлланилиши мумкин бўлган воситаларнинг мувофиқлиги ва самарадорлигини баҳолаш мақсадида уларнинг трансмиссион каналлари таҳлил қилинади. Макропруденциал воситаларнинг икки энг муҳим трансмиссион каналлари молиявий тизим бардошлилигини ошириш ҳамда молиявий циклини юмшатиш ҳисобланади.

Бироқ, бардошлиликни оширишдан мақсад инқироз даврида банк тизимида эҳтимолий йўқотишларни қоплаш ёки иқтисодиётнинг реал секторини кредит билан таъминлашни рағбатлантириш бўлиши мумкин. Бунда барқарорликни ошириш бевосита банк тизимида (капитал буферлари) ёки билвосита қарздорларнинг бардошлилигини оширишга (қарздорларга йўналтирилган воситалар) қаратилган бўлиши мумкин. Шунингдек, кредит циклини юмшатишда баъзи воситалар

бошқа воситаларга (қарздорларга йўналтирилган ёки капитал воситалари) нисбатан самаралироқ ҳисобланади.

Бундан ташқари, ҳар бир воситанинг асосий трансмиссион механизми ва қўшимча трансмиссион каналлари мавжуд бўлиб, муайян бир хатарга мос келади. Шу сабабли, мос восита ёки воситалар тўпламини танлаш мураккаб жараён эканлигини ҳисобга олиб, Марказий банк муайян хатар профилига энг муносиб воситаларни танлашга интилади. Ушбу жараён тартибга солиш арбитражининг эҳтимолий каналларини ҳамда воситаларнинг мослаштирилишини баҳолаш билан якунланади.

### **Қарор қабул қилиш ва воситаларни қўллаш**

Макропруденциал воситаларни жорий этиш бўйича қарор Марказий банк Бошқаруви томонидан қабул қилинади. Макропруденциал воситаларни жорий қилишда воситаларни танлаш ва мослаштириш босқичида уларнинг даражаси мослаштирилиб, қамрови эса мос тарзда олдиндан белгилаб қўйилганлиги назарда тутилади. Ушбу босқичда макропруденциал воситаларнинг кутилмалар трансмиссион каналига алоҳида эътибор қаратилади.

Шу сабабли, Марказий банк кутилмалар каналидан имкон қадар тўлиқ фойдаланишни таъминлаш мақсадида жорий этилган ҳар бир восита бўйича кенг жамоатчилик ва молиявий ташкилотлар билан алоқа ўрнатади.

Макропруденциал сиёsat мақсадларига воситаларни жорий этгунга қадар эришиш мумкинлиги кутилмалар каналининг муҳимлигини кўrsатади. Банклар Марказий банкнинг эълон қилинган кутилмаларига (масалан, келажақда капитал воситасини қўллаш) асосланиб ўзларининг хатарларни бошқариш услубларини дарҳол ўзгартиришлари мумкин.

Шунингдек, қарздорларга йўналтирилган воситаларни жорий этиш тўғрисидаги маълумотлар кредит фаолиятининг тезлашишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли, Марказий банк қарздорларга йўналтирилган воситаларни жорий этиш бўйича коммуникацияга эҳтиёткорлик билан ёндашади.

Бундан ташқари, макропруденциал воситаларни жорий этиш ва қарорлар қабул қилиш босқичида макропруденциал сиёsatнинг Марказий банк томонидан олиб бориладиган бошқа сиёsatлар билан

ўзаро муносабатларини ва мувофиқ ҳаракатлар амалга ошириш заруриятини ҳисобга олади (қаранг 5.3. боб).

### **Сиёсат таъсирини баҳолаш**

Ушбу босқич қуийдагиларни баҳолаш орқали амалга оширилади:

- 1) воситаларнинг бардошлиликка таъсири даражаси;
- 2) кредит ва активлар нархи динамикасига таъсири;
- 3) бозор иштирокчиларининг хатарларни бошқариш услугига таъсири;
- 4) тартибга солиш арбитражи ва оқимлар.

Хусусан, амалдаги ҳамда янги ажратилган кредитлар қолдиғини кредитни гаровга нисбатларининг (LTV) аввалги тақсимотига кўра таҳлил қилиш орқали қарздорларга йўналтирилган воситаларнинг бардошлиликка таъсирини баҳолаш мумкин.

Шунингдек, Марказий банк макро стресс-тестни амалга ошириш орқали бардошлиликни баҳолайди. Кредит ва активлар нархи динамикасига бўлган таъсирини воситаларни қўллаш учун сигнал сифатида фойдаланиладиган хатар кўрсаткичлари, активлар нархи ва кредитлар ўсишини баҳолаш орқали аниқлаш мумкин. Мазкур кўрсаткичлар бозор иштирокчиларининг хатти-ҳаракатларидаги ўзгаришларни баҳолаш учун ҳам қўлланилади.

Тартибга солиш арбитражи ва оқимлар назоратга олинмаган маҳаллий молиявий сектор ҳамда трансчегаравий кредит фаолиятидаги ўзгаришлар орқали баҳоланади. Шунингдек, жорий қилингандай воситалар таъсирини баҳолаш уларни қачон енгиллаштириш лозимлигини таҳлил қилишга ёрдам беради.

Шу билан бирга, мазкур баҳолаш макропруденциал сиёсатнинг воситаларни танлаш, ишлаб чиқиш ва мослаштириш каби босқичларини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Бироқ, ушбу босқичнинг асосий мақсади воситаларнинг тизимли хатарларни бартараф этишга таъсирини баҳолаш ҳисобланади.

### **5.3. Макропруденциал сиёсатнинг бошқа сиёсатлар билан ўзаро боғлиқлиги**

Макропруденциал сиёсат Марказий банкнинг пул-кредит ҳамда микропруденциал сиёсатлари билан ўзаро боғлиқ. Пул-кредит ва

макропруденциал сиёсатларнинг мақсадлари турлича (нархлар барқарорлиги ва молиявий барқарорлик) бўлиб, шу икки мақсадга эришилиши барқарор иқтисодий ўсиш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлайди.

Пул-кредит ва макропруденциал сиёсатлар бир-бирларини бир қатор трансмиссион каналлар орқали тўлдиради. Масалан, ўсиш даврида капитал буферлари даражасининг юқори бўлиши бир томондан молиявий тизим барқарорлигини оширади, иккинчи томондан эса молиявий шоклар натижасида юзага келадиган инфляция таъсиrlарини юмшатади.

Бироқ, паст инфляция шароитида пул-кредит сиёсатнинг юмшатилиши таъсирида кредит ўсишини рағбатлантириши, бу эса, ўз навбатида, тизимли хатарларни тўпланишига (нарх пуфаклари) олиб келиши мумкин. Шунга кўра, Марказий банк макропруденциал ва пул-кредит сиёсатини ўзаро мувофиқ тарзда олиб боради. Марказий банк маълум бир сиёсатнинг мақсадига эришиш учун фақатгина ўша сиёсатнинг воситаларидан фойдаланади (9-чизма).

Марказий банк макропруденциал сиёсатни амалга оширишда нархлар барқарорлигига салбий таъсир кўрсатмаслигини таъминлайди.

#### **9-чизма. Марказий банкда пул-кредит, макропруденциал ва микропруденциал сиёсатларнинг ўзаро боғлиқлиги**



Манба: Марказий банк.

Микропруденциал сиёсатнинг асосий мақсади омонатчиларни ҳимоя қилиш бўлиб, индивидуал молиявий институтларнинг барқарорлигини таъминлашни назарда тутади. Шу нуқтаи назардан, индивидуал институтларнинг ташқи ва ички шокларга бардошлилиги умумий молиявий тизимнинг барқарорлигига асос бўлиб хизмат қиласди ёки аксинча бўлади.

Бошқа томондан эса, молиявий нобарқарор даврда макропруденциал ва микропруденциал сиёсатлар ўртасида кескинлик юзага келиши мумкин. Хусусан, макропруденциал сиёсат капитал буферлари талабларини енгиллаштириш орқали иқтисодиётнинг реал секторига кредит ажратилишини ва активларнинг шошилинч сотувини олдини олишни рағбатлантиришга интилади.

Шу билан бирга, микропруденциал сиёсат эса мазкур капитал талабларини ўз даражасида қолдириш ёки уларни қатъийлаштириш билан индивидуал банкларнинг тўловга қобилияти ҳамда ликвидилигини сақлаб туришни ва шу йўл орқали омонатчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни кўзлайди. Макропруденциал ва микропруденциал сиёсатлар бир хил бўлган бир қатор воситалар ҳамда трансмиссион каналлардан фойдаланади.

Бироқ, улардан фойдаланиш мақсадлари сиёсатлар ўртасида фарқ қиласди. Шу сабабли, маълумотлар алмашиш, хатарларни биргалиқда таҳлил қилиш ҳамда Марказий банкнинг макропруденциал ва микропруденциал таркибий бўлинмалари орасидаги мустаҳкам коммуникация ушбу сиёсатлар ўртасидаги мувофиқликни самарали амалга оширишга хизмат қиласди.

Мувофиқлаштиришнинг яна бир йўналиши Марказий банкнинг ваколатидан ташқарида бўлган таркибий сиёсатларни (масалан, уй хўжаликларининг қарздорлигини қўллаб-куватлаш) ўз ичига олади. Уй-жой секторида талаб ва таклиф ўртасида дастлабки номутаносибликлар юзага келганда, таркибий чора-тадбирлар қўллашиши лозим, бироқ макропруденциал сиёсатнинг ўзи ушбу номутаносибликларни бартараф эта олмайди. Шу сабабли, Марказий банк таркибий сиёсатлар билан мувофиқлаштириш чораларини кўриб боради.

## **5.4. Макропруденциал сиёсат коммуникацияси**

Марказий банк макропруденциал сиёсат бўйича коммуникацияни ўзининг умумий коммуникация стратегиясига<sup>13</sup> мувофиқ амалга оширади ҳамда мақсадли аудитория ва кенг жамоатчилик билан бир қатор коммуникацион каналлар ва воситалар орқали мулоқотни йўлга қўяди. Бунда ишончлилик, очиқлик ва тушунарлилик макропруденциал сиёсат коммуникациясининг асосий тамойиллари ҳисобланади.

Марказий банк макропруденциал сиёсат бўйича кенг жамоатчилик билан самарали мулоқотни таъминлашда асосий коммуникацион канал сифатида Марказий банкнинг расмий сайтидаги “Молиявий барқарорлик” бўлимиidan фойдаланади. Ушбу бўлимда макропруденциал сиёсатнинг моҳияти, асослари ва воситалари, молиявий барқарорлик шарҳлари, тадқиқот ва таҳлилий материаллар мунтазам равишда чоп этиб борилади.

Бундан ташқари, Марказий банк макропруденциал сиёсатнинг таъсирчанлигини янада ошириш мақсадида муқобил (ижтимоий тармоқлар, мессенжерлар, фокус групҳулар ҳамда сўровномалар) ва анъанавий (оммавий ахборот воситалари, оммавий тадбирлар ва мутахассислар) каналлар орқали ҳам коммуникацияни амалга оширади.

Йилига икки маротаба чоп этиладиган “Молиявий барқарорлик шарҳи” (Financial Stability Report, FSR) молия тизими иштирокчилари ва кенг жамоатчилик билан самарали мулоқот ўрнатишда асосий восита бўлиб хизмат қиласи. Ушбу шарҳ молия тизимида мавжуд ва юзага келиши мумкин бўлган потенциал тизимли хатарлар таҳлили ва макропруденциал чора-тадбирлар каби масалаларни ўз ичига олади.

Бундан ташқари, ушбу шарҳнинг асосий жиҳатларини қамраб оладиган ҳамда макропруденциал сиёсат қарорлари бўйича пресс-релизлар эълон қилинади. Марказий банк молиявий барқарорлик шарҳлари бўйича матбуот анжуманлари, шунингдек, молиявий барқарорликка оид турли мавзуларда семинарлар ва бошқа тадбирлар ташкил этиш орқали мақсадли аудиторияни молия тизимидағи эҳтимолий тизимли хатарлар таҳлили ҳамда макропруденциал чора-тадбирлар билан таништириб боради.

---

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2023-2025 йилларга мўлжалланган коммуникация стратегияси.

Шунингдек, зарур ҳолларда жорий ва келажақдаги тизимли хатарларнинг молия тизими ҳамда реал иқтисодиётга салбий таъсирлари муҳокамаси оммавий ахборот воситаларида ёритиб борилади.

## **Глоссарий**

**Активларнинг шошилинч сотуви** – актив эгасининг кредитор талабларини қондириш учун активларини чегирмали нархда мажбуран сотиши.

**Даврий тизимли хатар** – молиявий ҳамда бошқа иқтисодий субъектлар томонидан проциклик, яъни молиявий циклнинг ўсиш босқичида таваккалчилик даражасини ошириш ва аксинча, пасайиш даврида эса хатардан керагидан ортиқча қочиши сабабли пайдо бўлади. Ушбу проциклик тенденциялар ўзини молиявий институтлардаги (шунингдек, бошқа иқтисодий субъектларда ҳам) ортиқча левераж ҳамда молиявий сектордаги муддатлар ўртасидаги номутаносибликлар натижасида юзага келган кредит ва ликвидлилик цикллари шароитида намоён бўлади.

**Дефолт ҳолатида йўқотишлар ҳажми** – банкнинг қарз олувчи ўз қарзини тўлашга қодир бўлмаганда ёки уни тўлашни истамаганда юзага келадиган молиявий йўқотиш; кредит ёки гаров номинал қийматининг дефолт содир бўлгандан кейин қопланмайдиган қисми.

**Капитал буферлар** – банкларнинг турли шокларга бардошлилигини ошириш мақсадида биринчи даражали асосий капитал таркибида шакллантириладиган ҳамда регулятив капитал меъёрларга қўшимча тарзда жорий қилинадиган талаблар.

**Контрциклик капитал буфери** – кредит ташкилотлари томонидан сектордаги даврий тизимли хатарлар ортиб бораётганда кейинчалик йўқотишлар юзага келадиган стресс даврида банк тизимининг бардошлилигини ошириш мақсадида тўпланадиган капитал буферлари ҳисобланади. Мазкур буферлар иқтисодиётни кредитлар билан таъминлаш даражасини бир маромда сақлаб қолиш ҳамда молиявий циклнинг пасайиш давридаги йўқотишларни юмшатишга ҳисса қўшади. Шунингдек, контрциклик капитал буферлари молиявий циклнинг ўсиш даврида кредитларнинг керагидан ортиқча ошиш даражасини камайтиришга хизмат қилади.

**Қатъий қоидага асосланмаган (мослашувчан) бошқарув** – макропруденциал воситалар молиявий тизимга таъсир қила олишини инобатга олган ҳолда, мазкур воситаларни фаоллаштириш ёки фаолсизлантириш ҳамда уларнинг даражаларини мослаштириш бўйича макропруденциал сиёsat қарорлари фақатгина қатъий

қоидаларга таянмаслиги ва шу орқали марказий банк учун қарор қабул қилиш жараёнига сифат омиллари ва асослантирилган эксперт хulosаларини инобатга олиш учун юқори даражадаги ихтиёрийлик имкониятининг берилиши.

**Левераж коэффициенти** – банк жами активларининг капитал билан таъминланганлик даражасини акс эттирадиган кўрсаткич бўлиб, банкнинг умумий хатарини назорат қилиш учун фойдаланилади. Унинг асосий мақсади банкнинг ўз капиталидан фойдаланиши мумкин бўлган максимал даражага чеклов ўрнатишдир. Левераж коэффициентида таваккалчиликка тортилган активлар ҳисобга олинмайди ва шу билан капитал монандлилик талабларидан фарқ қиласди. Бу активларнинг капиталга нисбатан номутаносиб равишда ошиб кетишига қарши оддий ва самарали восита ҳисобланади.

**Леверажни камайтириш (Deleveraging)** – банклар томонидан ўз қарзларини камайтириш мақсадида амалга ошириладиган жараён. Леверажни камайтириш ихтиёрий бўлганда асосан хатарларни юмшатиш кўзда тутилса, баъзан молиявий ҳолатнинг ёмонлашуви натижасида келиб чиқадиган банкротликдан қочиш учун ҳам фойдаланилади.

**Ликвидлиликни қоплаш меъёри коэффициенти** – ликвидлиликни қоплаш меъёри коэффициенти банкларнинг қисқа муддатли ликвидлилик шокларига бардошлилигини оширишувчи восита ҳисобланади. Ликвидлиликни қоплаш меъёри коэффициенти юқори ликвидли активларнинг кейинги 30 кун ичидаги жами соғ чиқимга нисбати сифатида аниқланади.

**Макро стресс-тест** – бутун молиявий тизимнинг хатарли сценарийлардаги ўта хавфли, аммо содир бўлиши мумкин бўлган макроиқтисодий кўрсаткичларни ўз ичига олган тизимли хатар омилларига бардошлилигини ўлчаш ҳамда стресс ҳолати юзага келганда барқарорликни сақлаб қолиш учун етарли капитал ва ликвид активларга эга бўлишини таъминлаш мақсадида қўлланиладиган воситалар мажмуи.

**Макропруденциал сиёсат воситалари** – макропруденциал сиёсатнинг бош ва оралиқ мақсадларига эришиш учун мўлжалланган воситалар ва чекловлар.

**Макропруденциал сиёсат** – тизимли хатарларни чеклаш ва уларнинг салбий оқибатларини юмшатиш, иқтисодиётнинг барқарор фаолият юритишини таъминлайдиган буферлар жорий этиш орқали молиявий тизимнинг барқарорлигини оширишга қаратилган ҳаракатлар мажмуасидан иборат. Макропруденциал сиёсат қуйидагилар билан тавсифланади: (а) унинг мақсади тизимли хатарларни чеклашдан иборат; (б) қўлланилиш доираси индивидуал институтларга эмас, балки бутун молиявий тизимга (жумладан, реал ва молиявий секторларнинг ўзаро муносабатларига) қаратилган сиёсатдир; (с) биринчи навбатда, тизимли хатарларнинг манбаларига йўналтириш учун мослаштирилган пруденциал воситалардан фойдаланади.

**Макропруденциал сиёсатнинг трансмиссион (узатиш) каналлари** – макропруденциал сиёсатга доир қарорларнинг молиявий тизим бардошлигига ва кредит циклига таъсир қилиш каналлари ҳисобланади. Макропруденциал сиёсат воситаларининг қатъийлаштирилиши молиявий тизим ва реал иқтисодиётга нарх, миқдор, бардошлилик ва кутилмалар каналлари орқали узатилади.

**Молиявий барқарорлик** – банк тизимнинг, яъни кредит ташкилотлари ва бозор инфратузилмаларининг юзага келиши мумкин бўлган шокларга бардошли бўлиб, молиявий воситачилик функцияларини бажаришда узилишлар юз бериш эҳтимолини пасайтириш қобилиятидир. Молиявий барқарорликка эришиш деганда, индивидуал молиявий ташкилотларнинг эмас, балки бутун молиявий тизимнинг барқарорлигини таъминлаш тушунилади;

Молиявий тизимнинг хатарларни аниқлаш, баҳолаш, бошқариш ҳамда иқтисодий ресурсларни самарали тақсимлаш, шунингдек, ташқи ва ички шоклар юз беришига қарамасдан молиявий хизматларни узлуксиз кўрсата олиш қобилияти ҳисобланади. Молиявий тизим иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш ҳамда кутилмаган молиявий номутаносибликларни бартараф этишга қодир бўлганда барқарор ҳисобланади.

**Молиявий цикл** – тўғридан-тўғри молиявий тизим сабабли келиб чиқадиган ёки у томонидан кучайтириладиган иқтисодий тебранишлар сифатида қаралиши мумкин. Одатда, молиявий цикл ўзини кредит агрегатлари ва активлар нархлари ўртасидаги биргаликдаги ҳаракат сифатида намоён қиласи, бу эса реал иқтисодий ўзгаришларга ҳам таъсир қилиши мумкин.

**Тартибга солиш арбитражи** – молиявий бозор иштирокчилари чекловларни четлаб үтиш мақсадида нисбатан камроқ назорат қилинадиган бозор сегментларида ўз фаолиятларини кўчириши ва (ёки) бошлиши натижасида нисбий афзалликларга эга бўлиши.

**Риск-профили** – портфел учун инвестиция активларини тўғри таҳсимилашни аниқлаш учун зарур бўлган баҳолашдир. Индивидуал инвесторлар, молиявий ташкилотлар ёки компаниялар ўзига хос риск-профилларига эга, чунки уларнинг риск аппетитлари психологик факторлар, йўқотишларни қоплаш қобилияти, инвесторларнинг ёши ва бошқа инвестицион мақсадлари бўйича фарқланиши мумкин; бу инвесторнинг таваккалчиликка бўлган муносабатини ифода этади ва инвестицион портфелдаги активларни самарали таҳсимоти учун муҳим аҳамиятга эга. Одатда, риск-профилидан келиб чиқиб инвесторларни консерватив, рационал ва агресив турларга ажратиш мумкин.

**Соф барқарор молиялаштиришнинг меъёрий коэффициенти** –узоқ давр давомида молиялаштиришнинг барқарорлигини таъминлашга қаратилган бўлиб, банклардан узоқ муддатли активларни узоқ муддатли мажбуриятлар билан молиялаштиришни талаб қиласи ва шу орқали муддатлар ўртасидаги номутаносиблик (maturity mismatch) даражасини чеклайди. Мазкур воситадан ликвидлиликни қоплаш меъёри коэффициентини тўлдирувчи қўшимча талаб сифатида фойдаланилади.

**Тизимли аҳамиятга молик банк** – банк тизимининг барқарорлиги қайси банкнинг фаолиятига боғлиқ бўлса, ўша банк тушинилади; ўз ҳажми, мураккаблиги ва тизимли ўзаро боғлиқлиги натижасида назорат қилиб бўлмайдиган муваффақиятсизлиги бутун банк тизими ҳамда иқтисодий фаолиятда жиддий узилишларга олиб келиши мумкин бўлган банклардир.

**Тизимли аҳамиятга молик банклар учун капитал буфери** –тизимли аҳамиятга молик деб топилган банкларнинг фаолияти давомида юзага келиши келиши мумкин бўлган шок ёки йўқотишларга бардошлилигини ошириш мақсадида капиталга қўшимча талаблар жорий этилишидир. Тизимли аҳамиятга эга бўлган банкларнинг тўлов қобилияти юқорилиги нафақат молиявий тизимининг, балки умуман иқтисодиётнинг барқарорлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлайди.

**Тизимли хатар буфери** – контрциклик капитал буфери ёки тизимли аҳамиятга молик банклар учун капитал буферлари каби

макропруденциал воситалар орқали қамраб олинмаган тизимли хатарлар мавжуд бўлганда, уларни бартараф этишга қаратилган восита. Мазкур буфер умумий даражадаги тизимли хатарларни ёки банк таваккалчиликлари тўпламларига боғланган хатарларни бартараф қилиш учун ишлатилиши мумкин.

**Тизимли хатар** – умумий молия тизимида ёки унинг маълум бир секторида жиддий муваффақиятсизлик натижасида юзага келадиган ва реал иқтисодиёт учун жиддий салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган молиявий хизматлар кўрсатишдаги кенг миқёсдаги узилишлар хавфи. Макропруденциал чора-тадбирлар қўллашдан асосий кўзланган мақсад тизимли хатарларнинг олдини олиш ҳамда уларнинг оқибатларини юмшатиш орқали молиявий инқирозларнинг юзага келиш даврийлиги ва кескинлигини камайтириш ҳисобланади. Тизимли хатарлар одатда икки хил кўринишда намоён бўлади: таркибий ва даврий тизимли хатарлар.

**Таркибий тизимли хатар** – молия тизими бўйлаб хатарларнинг тақсимланиши ва молиявий ташкилотлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликлар ҳамда умумий таваккалчиликлар натижасида пайдо бўлувчи хавф.

**“Таназзулга учрамоқ учун ҳаддан зиёд йирик” ташкилот** – маълум бир молиявий ташкилот юқори даражада тизимли аҳамиятга эга эканлигини ҳамда унинг қулаши бутун молиявий тизимда нобарқарорликни ва умуман иқтисодиётнинг инқирозга учрашига олиб келишини англатади.

## Макропруденциал сиёсатнинг оралиқ мақсадлари ва тавсиявий воситалари<sup>14</sup>

Оралиқ мақсадлар	Тавсиявий воситалар
Левераж ва кредитлар ўсиш суръатини молиявий барқарорликка салбий таъсирини олдини олиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Контрциклик капитал буфер (CCyB )</li> <li>- Тармоқлар учун (секторал) капитал талаблар (тармоққа йўналтирилган кредитларнинг юқори ўсиш суръатлари бўйича таваккалчилик)</li> <li>- Макропруденциал левераж нисбати</li> <li>- Кредит суммасининг гаров суммасига нисбати чеклови (LTV)</li> <li>- Кредит тўловининг ёки қарзга хизмат кўрсатишнинг даромадга нисбати чеклови (PTI/DSTI)</li> <li>- Кредит ёки қарз суммасини даромадга нисбати чеклови (LTI/DTI)</li> </ul>
Долларлашувнинг тизимли хатарларини чеклаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Таваккалчилик вазнларини ҳисобга олиш (валюта турига кўра табақалаштириш)</li> <li>- Кредит суммасини гаров суммасига, кредит ёки қарз суммасини даромадга нисбатига чекловлар (валюта турига кўра табақалаштириш)</li> <li>- Хорижий валютада қарз бериш ва қарз олишга чеклов</li> <li>- Корпоратив кредитларга таваккалчилик чекловлари (хорижий валютадаги кредитлар)</li> <li>- Валюта турлари бўйича ликвидлиликни қоплашнинг меъёрий коэффициенти</li> <li>- Валюта турлари бўйича соф барқарор молиялаштиришнинг меъёрий коэффициенти</li> <li>- Валюта турлари бўйича мажбурий захиралар</li> <li>- Валюта турлари бўйича мажбурий бошланғич тўлов</li> <li>- Тизимли хатар буфери (SyRB)</li> </ul>
Муддатлар ўртасидаги номутаносибликларни ҳамда бозор ноликвидлилигини камайтириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Ликвидлиликни қоплаш меъёри коэффициенти (LCR)</li> <li>- Соф барқарор молиялаштиришнинг меъёрий коэффициенти (NSFR)</li> <li>- Кредитларнинг депозитга нисбати (LTD)</li> </ul>
Таваккалчиликларнинг концентрациялашувини тартибга солиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Тармоқлар бўйича тизимли хатар буфери</li> <li>- Йирик таваккалчиликларга чекловлар</li> </ul>
Тизимли аҳамиятга молик банклар томонидан ҳаддан зиёд кўп хатарлар жамланишининг олдини олиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Тизимли аҳамиятга молик банклар учун капитал буфер</li> </ul>

<sup>14</sup> Бу ерда, глобал миқёсда энг кўп кўлланиладиган воситалар келтириб ўтилган. Ушбу воситалар тавсиявий характерга эга бўлиб, Марказий банк улардан фойдаланиши ёки аниқланган тизимли хатарларга кўпроқ мос келадиган янги воситаларни жорий қилиши мумкин.